

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ
“SAYLOV2019” МОБИЛ ИЛОВАСИНИ
ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14-моддасига мувофиқ ҳамда сайлов иштирокчиларини сайловга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш, уларнинг билими ва малакасини оширишда замонавий ахборот-информацион технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. 2019 йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг “Saylov2019” мобил иловасини яратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. “Saylov2019” мобил иловасининг намунавий схемаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Saylov2019” мобил иловани маълумотлар билан тўлдириш учун Марказий сайлов комиссиясининг қуйидаги аъзолари тегишли бўлимлар бўйича масъул этиб белгилансин:

- а) “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар” бўлими – М.Истамов;
- б) “Сайлов комиссиялари” бўлими – С.Курбанкулов;
- в) “Услубий тавсиялар” бўлими – С.Курбанкулов;
- г) “Ўқув материаллари” бўлими – Х.Маматов;
- д) “Кутубхона” бўлими – Г.Рахимова;
- е) “Ўз билимингизни синанг” бўлими – Х.Маматов;
- ж) “Савол-жавоблар” бўлими – Б.Юнусов.

4. Марказий сайлов комиссияси Котибияти (С.Курбанкулов):

“Saylov2019” мобил иловасини яратиш ишларида мутахассисларни жалб этиш юзасидан ташкилот ва муассасалар, эксперт ва мутахассислар билан музокаралар ўтказсин;

“Saylov2019” мобил иловасидаги маълумотларни ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида тўлдириш имкониятларини яратсин;

“Saylov2019” мобил иловасини яратиш, маълумотлар билан тўлдириш ишлари 2019 йилнинг 20 сентябрига қадар яқунласин.

5. Ушбу қарорнинг ижро этилишини таъминлаш Марказий сайлов комиссияси Котибияти раҳбари (С.Курбанкулов) зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2019 йил 24 август,
№ 929

«Saylov2019» мобил иловасининг
НАМУНАВИЙ СХЕМАСИ

